



# Ashonch

**Моҳият**  
Биз амалга оширган буюк ишларнинг энг муҳим аҳамияти ва моҳияти — ўзбек халқи ўз куч-қудрати, қурби ва нималарга қодир эканининг амалдаги намоёнидадир.  
Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

## Янги поликлиника ишга тушди

Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг янгидан барпо этилган маслаҳат-ташхис поликлиникаси фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, шифокорлар, журналистлар иштирок этди.



Янги поликлиникада замонавий андозалар асосидаги рўйхатта олиш хонаси, биокимё лабораторияси, рентген кабинети, анжуманлар зали, шифокорлар хонасида беморларга юксак савияда тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароит яратилган. Биокимё лабораториясида саксон хилдан кўпроқ тиббий текширув ўтказиш имконияти мавжуд. Юрак фаолиятини кун давомида ёзиб олиш, яширин равишда кечайтган томир касалликларини аппарат ёрдамида аниқлаш, ултратовуш тахлилини ўтказиш йўлга қўйилган. Бу ерда қалқонсимон без, жигар, буйрак, жинсий аъзоларни ҳам ултратовуш ва биокимёвий усулларда текшириш мумкин. Бу нафақат юрак, қонтомир тизимлари, балки бошқа касалликларни ҳам аниқлаш ва даволаш имконини беради.

Аскар ЁҚУБОВ, (ЎЗА) олган суратлар

## Янги кун янгиликлари

Андижон Давлат университетида «Фуқаролик жамиятини барпо этишда ва баркамол авлодни воёга етказишда нодавлат ва жамоат бирлашмаларининг роли» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

**Илмий-амалий руҳда**  
Унда профессор-ўқитувчилар иштирок этди. Конференцияда, шунингдек, Россия, Беларус, Қозоғистон, Канада, АҚШ университетлари тадқиқотчилари мақолалари билан қатнашди. Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти фуқаролик жамияти шаклланишининг шартларидан бири эканлиги, баркамол авлодни воёга етказишда уларнинг ўрни, бу борадаги халқаро тажриба ва юзга келаятган муаммоларни бартараф этиш ҳақида фикр алмашилди.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

**Нафосат маскани**  
Гулистон шаҳрида янги музика ва санъат маскани фаолият бошлади. 2-музика ва санъат мактаби биноси 50 нафар ўқувчига мўлжалланган бўлиб; замонавий лойиҳалар асосида қисқа фурсатда бунёд этилди.

Қурилиш ишларига 1 млрд. 718 млн. сўм маблағ сарфланди. Бу ерда сирдарёлик ёшлар ўзбек миллий чолғу асбоблари, хореография ва тасвирий санъат йўналишлари бўйича маалаки мураббийлардан сабоқ олмақда. Тўлиқ жиҳозланган кенг ва ёруғ хоналар ёшлар хизматига.

Анорбой НОРКУЛОВ

**Ўқув курсларида — аёллар**  
«Тадбиркор аёл» Республика ишбилармон аёллар ассоциациясининг Қашқадарё вилоят бўлими Олий Мажлис ҳузурдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятларининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилган грант лойиҳалари талловида ғолиб чиқиб, 10 млн. сўмлик грантга сазовор бўлган эди.

## Огоҳлик — давр талаби

Яқинда Самарқанд шаҳар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан шаҳар прокуратураси, ички ишлар ҳодими ҳамда шифокорлар ҳамкорлигида коллеж ўқувчилари ўртасида «Огоҳлик — давр талаби», «Ёшлар гиёҳворликка қарши», «ОИТС — аср вабоси», «Биз соғлом турмуш тарзи шароитимиз» мавзусларида давра суҳбати уюштирилди.

Изаэт ХИКМАТОВ

Тадбир сўнггида гиёҳворлик ва оғуфуршуликнинг жирканч оқибати ҳақидаги видеофильм намойиш этилди.

Адхам ДАМИНОВ

## Хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари муҳокамаси

Авал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 декабр кuni Москва шаҳрида бўлиб ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси ва МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Кремлда дастлаб ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси бўлди. Унда мазкур ташкилотга аъзо мамлакатлар Президентлари қатнашди. Музокарада ОДКБ доирасида хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик, трансмиллий уюшган жиноятчилик каби таҳдидларни бартараф этиш, коллектив хавфсизлик тизимини шакллантириш борасида ҳамкорликни ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Томонлар жорий йилнинг июн ойида Қирғизистон жанубида юз берган воқеалар юзасидан фикр алмашилди.

Президентлар ОДКБ давлатларига умумий таҳдидларнинг теъорик билан олдини олишни назарда тутидиган ҳужжатларни кўриб чиқдилар. Сессияда

хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа фақуллодда вазиятларда ОДКБнинг саъй-ҳаракатлари қандай бўлиши зарурлиги муҳокама қилинди. Турли таҳдидлар оқибатида келиб чиқадиган хавфхатарларни бартараф этиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатимиз раҳбари ОДКБнинг энг муҳим вазифаси — аъзо давлатларни, аввало, ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишдан иборат эканини таъкидлади. Мамлакатлар ичидаги зўравонлик хатти-ҳаракатларига ҳеч қандай аралашувга йўл қўйиб бўлмайди. Бизнинг қатъий позициямиз шундан иборат, деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов.

Мамлакат ичидаги зўравонлик хатти-ҳаракатлари турли сценарийлар бўйича, ташқи кучларнинг бевосита аралашуви

ва молиялаштируви орқали юзга келиши мумкин. Шу боис улар юзасидан бирор қарор қабул қилишдан аввал бундай хатти-ҳаракатларнинг ташкилотчиларини аниқлаб олиш зарур. Жорий йил 10-14 июн кунлари Қирғизистон жанубида рўй берган воқеалар барчамиз учун сабоқ бўлиши керак. Чунки ўша фожияли кунларда юз мингдан зиёд қочқинларни бошпана, дори-дармон, озиқ-овқат ва бошқа зарур маҳсулотлар билан таъминлаш керак бўлди. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг аҳоли зич яшайдиган, кўп миллатли минтақаси — Фарғона водийси хавфсизлигини таъминлаш, чегарадаги вазиятни қатъий назорат қилиш зарур бўлди. Акс ҳолда, янада катта қўлмадаги хунреликлар рўй берган бўлар эди.

МДХ минтақасидаги давлатлар тарихидан ҳам бундай мижозларга етарлича мисол келтириш мумкин. Озарбойжон ва Арманистон ўтган йилги йилдан ортиқ вақт мобайнида Қорабоғ муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш бўйича келиша олмаётгани

ҳам шундан далолатдир. ОДКБ муҳим минтақавий ташкилот сифатида фақуллодда вазият юзасидан бирор бир чора-тадбир қўлашдан аввал муаммонинг сабабларини, эҳтимолдаги ташкилотчиларини аниқлаш, бундай ҳаракатларнинг оқибатларини олдиндан кўра билиши ва тўғри хулосалар чиқариши зарур, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Сессияда ОДКБ фаолиятига доир ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муस्ताқил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси МДХга аъзо мамлакатлар Президентлари иштирок этди. Томонлар МДХни ривожлантириш, унинг органлари фаолиятини такомиллаштиришга оид масалаларни кўриб чиқдилар.

Мажлисида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА махсус мухбири. Тошкент-Москва-Тошкент.

## Дунё билан бўйлашиб

### Халқаро фаолият

Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан 2010 йилнинг ноябр ва декабр ойларида Европа таълим фонди, Халқаро меҳнат ташкилотининг минтақавий бўлими ҳамда Европа кенгаши хавфсизлик ташкилотининг (ОБСЕ) Ўзбекистон бўйича лойиҳалар мувофиқлаштирувчиси қабул қилинди. Учрашувлар давомида Ўзбекистон касаба уюшмаларининг демократлаштириш жараёнидаги ўрни, глобал кризис оқибатлари олдини олиш, меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти ёритиб борилди.

Шу билан бирга, давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида «Инқироз оқибатларининг олдини олиш ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш», «Ижтимоий шерикчилик ва муносиб меҳнат» мавзусларида халқаро, минтақавий семинарлар ўтказиш ҳақида келишиб олинди.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да таъкидланган «Ижтимоий шерикчилик ҳақида»ги Қонун қабул қилинган, касаба уюшмаларининг масъулияти янада ошиши ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистондаги иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар хориждаги ҳамкасбларда қизиқиш уйғотганлиги сабаб вакилларимиз Умумий касаба уюшмалари Федерациясининг таклифига биноан «Касаба уюшмаларининг кризисдан кейинги ҳаракатлари», Халқаро химия санъати ходимлари касаба уюшмаси томонидан ўтказилган «Дунёдаги кризис, реструктуризация ва кимё санъати сектори касаба уюшмаларининг вазифаси» мавзусидаги семинарларда, Италиянинг Турин шаҳрида жойлашган Халқаро меҳнат ташкилотининг ўқув марказида, Япониянинг ЖИЛФФ ўқув дастурида, Россия муस्ताқил касаба уюшмалари Федерациясининг Ёшлар ҳаракати мавзусига бағишланган дастурларида қатнашиб, тажриба алмашиб келди.

Р. РАҲМОНОВА, ЎЗУФК халқаро бўлими мудири

## Муносабат

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши пленуми бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» бўйича қилган маърузаси ва ундан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

### Концепция — иштирокчилар эътиборида

Шунингдек, анжуманда «Боштранслойиха» ОАЖ раҳбарияти ва касаба уюшмаси томонидан жамоа шартномаси бўйича ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилишдаги аҳвол, тармок Марказий кенгашининг ижтимоий бюджет лойиҳасини ҳамда қарорларини тасдиқлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Анжуманда, Концепция мазмун-моҳияти, кўтарилган долзарб масалалар касаба уюшмаларининг барча тармоқларида ҳам чуқур ўрганиб чиқирилиши зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

А. ДАМИНОВ

## Фермерлик ва хусусий тадбиркорлик

### Ғайрат-шижоат ишончга боғлиқ

1991 йилда Президентимизнинг «Республика деҳқон (фермер) хўжалиқларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда давлат йўли билан ишбилармонлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳақида»ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада деҳқон (фермер) хўжалиқларини ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори қабул қилиниб, республикада фермер хўжалиқларини ташкил этишга асос солинган. Бунга ҳам салкам йигирма йил бўлди. Утган давр мобайнида фермерлик ҳаракати ҳар жиҳатдан ўзини оқлади. Республика Фермер хўжалиқлари уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Тўхта Бозоров бу ҳақида шундай дейди:

— Қишлоқда мулкчилик шакли ўзгаргач, маҳсулот ишлаб чиқариш баробарида уларнинг сифат ҳамда рақобатбардошлик даражаси ҳам ошди. Янги иш ўринлари яратилди. Пировадиди мазкур фермер хўжалиқларида меҳнат қилаётганларнинг моддий манфаатдорлиги юксалишига эришилди. Утган йиллар давомида фермер хўжалиқлари бошқа қорхоналарга нисбатан ўз афзаллигини кўрсатди. Сабоби — мулкдорлик ҳисси шаклланди.

Айни пайтда республикамизда жами 80628 та фермер хўжалиғи бўлиб, уларга ажратилган ер майдони 5156,9 минг гектардан иборат. Ҳар бир фермер хўжалиғига ўртача 64,2 га ер тўғри келиб, уларда жами 1,6 млн. киши меҳнат қилаётир. Фермер хўжалиқларига самарали хизмат кўрсатишни шакллантириш мақсадида 1478 та минибанк, 1757 та муқобили МТП, 1712 та СИУ ташкил этилган бўлиб, 935 та минерал ўғит, 1389 та нефт, 424 та қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари, 2411 та чорва моллари сотиш ва зооветеринария

хизмати кўрсатиш шохобчаси, 300 та ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати, 82 та транспорт хизмати, 78 та тара, идишлар ва қадоқлаш материаллари билан таъминлаш шохобчаси ҳамда 262 та агрофирма фаолият кўрсатяпти.

— Қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини молиялаштириш тизимини шакллантириш орқали бозор тамойилларига жавоб берадиган фермер хўжалиқлари мустақиллигини таъминлаш хусусида тўхталиб ўсангиз?

— Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари етиштиришни молиялаштириш тизимини таъминлаш мақсадида 1998 йил 31 декабрда «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси» ташкил этилди. Дастлаб жамғарма давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш транс усулида молиялаштирилди. Ушбу тизим-

ни янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрда «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизмининг такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, унга қўра, 2003 йил ҳосилидан бошлаб, тажриба тариқасида харажатларни молиялаштиришнинг янги тизимига ўтилди. Яъни фермер хўжалиқларига транс усулида маблағ ажратиш тизимдан воз кечилди. Тажриба илк бор Бухоро, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятларида синаб қўрилган бўлса, 2005 йил ҳосилидан бошлаб, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча фермер хўжалиқларига пахта ва галла етиштириш учун имтиёзли кредитлар берили бошланди. Бу фермер хўжалиқларини молиялаштиришнинг бозор тамойилларига мос келадиган усулларига ўтишда муҳим қадам бўлди. Пахта ва галла етиштириш учун мўлжалланган имтиёзли кредитлар ушбу маҳсулотлар юзасидан тузилган контрактация шартномасидаги маҳсулот қийматининг дастлабки йилларида 50-80 фоизи микдорда берилган бўлса, бугунги кунда шартномадаги маҳсулот қийматининг 90 фоизи тугалланаётган йилнинг 31 декабригача ҳисоб-китоб қилинмоқда. Етиштирилган галланинг 50 фоизи фермер хўжалиқлари ҳисобида қолдириляпти.


(Давоми 3-бетда)

«Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод — таракқиётимиз таянчи» республика танловига

Ҳозирги кескин рақобат шароитида инновацион технологиялар ва илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўйба чикаришлари учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан

Тилимиз тадқиқотчиси



Миллат мавжудлигининг асосий белгиси тилдир. Унда халқнинг руҳи, маънавияти, маданияти, урф-одатлари акс этади. Лўнда қилиб айтганда, тил миллат учун жон вазифини ўтайди.

Шундай экан, она тилимизни тадқиқ этиб, такомиллаштириш йўлида илмий изланиш олиб бораётганлар меҳнати алоҳида таҳсинга лойиқ. Ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаб, дунё тиллари билан муқояса қилиб, юзага келган муаммолар ечимини ахтарайтган, таъбир жоиз бўлса, тилимиз орқали миллати-

мизни дунёга танитиш йўлида ташаббус ва намуна кўрсатаётган ёшлардан бири филология фанлари номзоди Азаматжон Раҳимовдир. У 1985 йили Андижон вилоятининг Избоскан туманида туғилган. Олимпиада, конкурс, фестивал ва конференцияларда ўқувчилик давриданок иштирок этиб келган Азаматжон «Илм ўқувчиси» кўрик танловига тўғри келган (2000), ўқувчилар фан олимпиадасида Республика бўйича биринчи ўрин соҳиби (2001), «Sumitomo» корпорацияси стипендияси (2003), Навоий номидаги давлат стипендияси совриндори (2004), Республика талабалар фан олимпиадаси ғолиби (2005) бўлган.

Рус, инглиз, араб, форс тилларини яхши ўрганган ёш олимнинг республикамиз ҳамда хорижий нашлаҳларда талай илмий мақолалари эълон қилинган, қўлланмалари чоп этилган. «Тил ҳам субстанциядир», «Тил бирикмавлари лисон ва нуқт босқичида», «Ўзбек тилшунослигида синтактик назариялар», «Тиллар морфологияси таснифи нисбийлиги ҳусусида», «Тилшунослик тарихидаги байириқлиқ қарашлар», «Ҳимолой тоғида наъра тортган шеър», «Интерлингвистика ёки космоглотика нима?», «English grammar in tables» (ўқув қўлланма), «Филологиянинг долзарб муаммолари», «Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар», «Methodological reflection in linguistic typology (samples of quantitative approach)», «Танишувда замонавий нуқт унсурлари» кабилар шулар жумласидандир.

Фаолиятини Андижон давлат университети ўзбек филологияси факултети тилшунослик кафедраси ассистентлигидан бошлаган қаҳрамонимиз ҳозир катта ўқитувчи. У 2009 йил август ойида Германиянинг Marburg университетида бўлиб ўтган «Models of language variation and change» лингвистлар халқаро ёзи семинарида «Лингвистик типологияда методологик рефлексия» мавзусида онлайн-маърузаси билан иштирок этди.

Яқинда Азаматжон билан учрашдик. «Камолот» ЕИХ ташаббуси билан Бухорода ўтказилган «Талабалар фестивали»га йўл олибди. Қисқагана суҳбат қурдик.

— Танловларда кўп иштирок этасиз. Бу Сизга нима беради? — Танловда қатнашиш кишини тарбиялайди, янги-янги дўстлар орттиришига имкон беради, ҳаётда хамиша нимагадир интилиб яшашга ўргатади. Ўйлаётганим, ёш олимлар учун биринчи мартаба таъсис этилаётган «Камолот» стипендияси барча иштирокчиларга қатор менга ҳам давоми изланишлар учун ўзига хос туртки бўлади.

Кўпайтириш ва фаолият самарадорлигини ошириш учун нималар қилиш керак деб ҳисоблайсиз?

— Менимча, бу биринчи навбатда тадқиқотчиларни илмий фаолиятга тўғри йўналтиришга боғлиқ. Чунки ёшлар истиқболли мавзуси асосида бакалаврлик давриданок изланса, келажакда у битирув-малакавий иши, магистрлик, кейинроқ номзодлик диссертациясига айланиши мумкин. Иккинчидан, олим бўлишни орзу қилган ёшларни танлаб, уларни тор илмий йўналишларда дарсдан ташқари ёши ва иқтидорига мос ҳолда қўшимча машғулотлар олиб бориш лозим. Бу жараён мактабдан бошланиши зарур.

Илмий фаолиятга тўсқинлик қилаётган омиллар борми? Булса, уларнинг ечими ҳусусида қандай фикрдасиз?

— Бундай омиллар йўқ. Бор деб ҳисоблайдиганлар, аслида, айбни ўзидан қилиши лозим. Тажрибамдан келиб чиқса, номзодлик диссертацияни муддатидан олдин муваффақиятли ҳимоя қилдим. Менимча, ҳимоянинг чўзилишига сабаб ўзимиз, буни ташқи факторларга сунъий равишда боғлаш нотўғри.

Абдуллатиф АБДУЛЛАЕВ, «Ishonch» мухбири

Сариосиёнинг сўлим Қорасув қишлоғида дунёга келган Умид Дўстқобилов болалигидан жуда қизиқувчан бўлиб улгайди.

Илк сабоқни тумандаги 3-умумтаълим мактабидан олди. Қалбида жўш урган илмга чанқоқлик йилдан-йилга ортиб бораверди. 7-синфини тамомлагач, Сариосиё тумани Шарғун шаҳрида жойлашган 1-ихтисослаштирилган лицейда ўқишни давом эттира бошлади. Лицейда турли тўғрақ, беллашув, мусобақа каби қатор тадбирлар ўтказиш аънана тусини олганди. Тўғрақлар фаолияти Умидда катта қизиқиш уйғотди. Турли



Барчаси интилишдан бошланади

мавзулар доирасидаги бахслар ҳамда «Заковат» ўйинлари қаҳрамонимизнинг сеvimли машғулоти айлиниб улгурди. Мазкур тадбирлардан ташқари, Алишер Навоий, Бобур, Мирзо Улуғбек, Аҳмад Яссавий, Баҳоддин Нахшбанд каби мутафаккирларнинг илмий-маънавий мероси ҳамда бугунги авлодлар томонидан ўрганилишига оид саводхонлик кечаларида ҳам Умид асосий иштирокчи сифатида кўпчилиқнинг эътиборига тушди.

Умид Дўстқобилов ёшлигидан банк соҳасида ишлашни кўнглига туққанди. Шу орау уни Тошкент Давлат иқтисодиёт университети етаклади. Мазкур университетнинг халқаро иқтисодий муносабатлар факултети «Банк иши» йўналишига ҳужжатларини топширган Умид шу йили ўқишга қабул қилинди.

— Янги муҳит, замонавий ўқитиш тизими, малакали устозлар, талабаларга яратилган қулай шарт-шароит, буларнинг ҳаммаси мени олий ўқув даргоҳидаги ўқинишнинг дастлабки кунлариданок жуда катта иштиёқ билан таҳсил олишимга ва ўз устимда ишлашимга туртки бўлди, — дейди қаҳрамонимиз. — Ўқш давомида илмий-амалий анжуманлар, маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этиб, кўплаб диплом ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландим. Жумладан, 2005-2006 ўқув йилларида университет талабалари ва магистрлари ўртасида ҳуқуқшунослик ҳамда 2006-2007 ўқув йилларида банк иши фанидан талабалар илмий-амалий конференциясида муваффақиятли иштирок этиб, биринчи ўринни кўлга киритдим. Бундан ташқари, ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллиги муносабати билан «Конституция — таракқиёт пойдевори» мавзусида ўтказилган танловда учинчи ўринга сазовор бўлди. 2008 йил март ойида ўтказилган банк иши фанидан талабалар илмий-амалий конференциясида иккинчи ўринга лойиқ кўрилди. «Талабаларнинг энг илғор илмий-амалий гоёяси» мавзусида ўтказилган конференцияда фаол иштирок этиб, совриндорлар сафидан жой олди.

«Ёшлар йили» Умид Дўстқобиловнинг ҳам ҳаётида эсда қоларли воқеаларга бой бўлди. Дастлаб «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ва «Меҳр нури» жамғармалари томонидан таъсис этилган «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури»да ғолиб қикди. Эришилган ютуқдан руҳланиб, ўз устид янада кўпроқ изланди. Бу эса кўп ўтмасдан, Навоий номидаги Давлат стипендиясига сазовор бўлишига замин яратди ва имтиёзли равишда магистратура босқичига қабул қилинди.

«Баркамол авлод йили»да эса «Бизнес ва бошқарув» йўналиши бўйича Президент стипендияси соҳибига айланди. Ҳозир у профессорлар Н.Жумаев ҳамда О.Рашидов раҳбарлигида «Глобаллашув шароитида Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг валюта сиёсати ва унинг валюта тизимида тутган ўрни» мавзусида изланиш олиб бормоқда. Дарвоқе, Умид Дўстқобилов шу кунга қадар 3 та ўқув қўлланма, 35 дан ортиқ илмий мақола чоп эттиришга ҳам улгурди. Умиднинг ўз олдига қўйган мақсадлари бир олам. Келажакда банк тизимида фаолият юритиш ва унинг ривожига ҳисса қўишини ниёт қилган.

Нарзулла МАҲАМОВ, «Ishonch» мухбири

Талабалик ҳар бир ёш учун юрт равнақиға муносиб ҳисса қўиши, ота-онаси ва устозлари билдирган ишончни оқлаш йўлида муҳим пиллапо вазифини ўтайди. Вақтимизни тўғри тақсимлаб, асосий эътиборни билим олишга қаратсақ, кўзлаган мақсадларимизга эришимиз шубҳасиз.

Вақтни тўғри тақсимлаш лозим



Ўқитувчи оиласида туғилганим учунми, берилган топшириқларни вақтида бажаришга интиламан. Ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиб, устозларим билдирган ишончни оқлашга ҳаракат қилаётганим бесамар кетмаётгани менга қанот бағишламоқда. Ўтган йили Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарини ўрганиш бўйича ташкил этилган кўрик-танловнинг минтақавий босқичида биринчи ўринни эгалладим. Жорий йилнинг май ойида университетда ўтказилган «Энг яхши илмий мақола» танловига «Иқтисодиёт» йўналиши бўйича ғолиб қикдим. Иқтисодий фанларни чуқур ўзлаштиришга ҳаракат қилганим 2009-2010 ўқув йилида фанлар бўйича олимпиаданинг Республика босқичида муваффақиятли иштирок этишимга замин яратди. Айни дамда А.Абдувоҳидов раҳбарлигида «Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида миллий иқтисодиётда хорижий сармоялардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш» мавзусида илмий-тадқиқот ишини олиб бормоқдаман. Бугунгача 20 дан ортиқ илмий мақола ва тезисларим турли нашлаҳларда чоп этилган.

Ҳукуматимиз томонидан бевоcита Президентимиз раҳнамолигида ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётган экан, уни ҳис этиб, имкониятлардан мақсадли фойдаланиш ҳар биримизнинг шарафли бурчимизга айланмоғи лозим.

Парвиз АРАББОЕВ, Гулистон Давлат университети талабаси, Навоий номидаги Давлат стипендиати

Устама стипендия

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳар йили мақлақатимиз олийгоҳларида фаол, кам таъминланган оила фарзандларининг бир гуруҳига устама стипендиялар бериб бормоқда.

Шу муносабат билан Термиз Давлат университетининг янги ўқув биносидан бу йилги стипендияларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирни университет ректори М.Ҳайдаров кириш сўзи билан очди. У ўз нутқида юртимиз ёшлари учун бекиёс имкониятлар яратаятган давлатимиз раҳбарининг ғамхўрликларига жавобан барчани фаолликка чақирди. Сўнгра у университетнинг касбий таълим

Р. ДАВЛАТОВ

Эртага қор ёғади!

Баркамол авлод йили ёшларнинг юксак чўққиларни эгаллашда муҳим қадам бўлди. Ўз билими билан муваффақиятга эришяётган тенгдошларимизнинг кўпайиб бораётганлиги фикримиз исботидир.



Улардан бири Ўзбекистон Миллий университети физика факултети учинчи босқич талабаси, Мирзо Улуғбек номидаги Давлат стипендиати Эркин Алпомишевдир. У ўқиш билан бир қаторда жамоат ишларида ҳам фаол.

Эркин «Ядро ва назарий физика» кафедраси доценти Закир Каноков раҳбарлигида «Ташқи майдонлардаги диссипатив системалар» мавзусида илмий изланиш олиб бормоқда.

Зарядланган зарранинг ташқи майдондаги ҳаракатини ўрганиб чиққан Эркин ёмғир ва қор томчисининг қандай ҳосил бўлиши, нима учун қор заррасининг турли шаклда эканлигининг муайян назарияси яратиб берилмаганлигини аниқлаб,

ёмғир ёки қор ёғиши ерининг магнит ва электр майдонларига боғлиқ деган хулосага келди. Шунга кўра, булутли кунда иқтиёрий жойда ёмғир ё қор ёғишини айтиб бериш мумкин экан.

Салим АБДУРАҲМОНОВ, «Ishonch» мухбири

Бир йигитнинг бешта корхонаси

Азал-азалдан Бойсун хунарманд усталар юрти бўлган. Ёғочдан бежирим эшик-дераза ромлари, нақшли дарвоза, чорпоя, стол-стул, сўрилар ясаб, бир умр элнинг хизматига қамарбаста бўлган хунармандларнинг иши истиқлолдан сўнг янада юришгандан юришди.

Бундан ажратилган кредит ва узоқ йиллар мобайнида тўпланган сармоялар ҳисобига Бойсундаги кўпгина дурадгорлар замонавий дастгоҳ ва асбоб-ускуналар харид қилишди. Натияжада, хунармандлар терак, тол, ёнғоқ, ўрик, тут ва бошқа ёғочлардан илғор технология асосида маҳсулот тайёрлай бошлашди. Ана шундай хунармандлардан бири Баҳриддин Маматов «Жило Файз» хусусий фирмасини очиб, 2003 йили Хитойдан мебелсозлик жиҳозларини келтирди. Атрофига уста йигитлардан тўплаб, юмшоқ ва қаттиқ мебеллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу ерда тайёрланган маҳсулотларни хорижидан фарқлай олишмаётгани ҳам айни ҳақиқат.

Элёр Зийдуллаев, Ғайрат Бўриев, Элдор Муртазов, Парда Рўзиев сингари хунарманд йигитлар меҳнати эва-

зига 100 турдан ортиқ ҳар хил дизайн-даги сифатли, бежирим, харидоргир эшик-дераза ромлари, юмшоқ ва қаттиқ мебеллар, уй-рўзгор, ошхона буюмлари, ўқув жиҳозлари ишлаб чиқарилапти. Маҳсулотларга талаб ортиб борапти. Жорий йилнинг ўн ойида 363 миллион сўмликдан зиёд жиҳоз сотилгани фикримиз исботидир.

«Жило Файз»нинг тадбиркор раҳбари укалари билан маслаҳатлашиб, 2005 йили «Файз Рамз» фермер хўжалигини ташкил этди. Чорвачилик ва деҳқончиликка ихтисослашган, тасарруфида жами 687,6 гектар, жумладан, 37 гектар суғориладиган ва 650,6 гектар яйловдан иборат фермер хўжалигини Фаҳриддин Маматов бошқармоқда.

Фермер хўжалигидаги 364 бош қўй-эчки, 26 бош қорамол, жумладан, 13 бош соғин сўғир йилнинг асосий қисмида яйловда боқилади. Бундан ташқари, у ерда етти хазинанинг бири бўлган 240 бош парранда парваришланапти.

Жамоа иш қўламини кенгайтириш ва даромадини янада ошириш мақсадида гўштни қайта ишлаб, қолбаса ва бошқа

миз. Шу кеча-кундузда 35-40 бош қорамолни бўрдоқига боққамиз.

«Файз Рамз» фермер хўжалиги жамоаси жорий йилнинг ўрталарида, хориждан умумий лойиҳа қиймати 48 минг 667 АҚШ доллари, технология қиймати 25 минг 474 АҚШ доллари миқдоридан қондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускуналарини келтириб, ишга туширди. Зийда Бўриева, Гулсал Абдуллаева сингари 5 нафар хотин-қиз ишлаётган цехда 5 турдаги пишириқлар тайёрланапти. Қисқа фурсатда 14,5 миллион сўмлик қондитер маҳсулотлари тайёрланиб, сотувга чиқарилди.

Тадбиркор Баҳриддин Маматов бошлиқ «Жило Файз» хусусий фирмаси ўтган йили гишт ишлаб чиқариш заводини бунёд этишга киришганди. Шу мақсадда Хитойдан умумий лойиҳа қиймати 180 минг АҚШ доллари миқдоридан гишт ишлаб чиқариш ускуналарини келтирилди. Бунинг учун банкдан 50 миллион сўм кредит олинган бўлса, қолган харажатлар қорхона даромадлари ҳисобидан қопланди. Тадбиркорларнинг сай-ҳаракатини туман раҳбарлари қўллаб-қувватлаб, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишмоқда. «Работ» ҚФЙ худудидаги «Миркоракў» қишлоғидан завод учун 7 гектар ер ажратилди. Жорий йилнинг ўрталарида қурилиш-монтаж ишлари ниҳосига етказилди. 18 нафар ёш иш билан таъминланган завод йилнинг ўтган даврида 3,4 миллион, жумладан, 1 миллионга пишган гиштни харидорларга етказиб берди.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

Фермерлик ва хусусий тадбиркорлик

Ғайрат-шижоат ишончга боғлиқ

(Давоми. Боши 1-бетда) — Лизингга техника олишнинг афзалликлари ҳам кўпчилиكنи кизиқтиради.

— Республика молия бозорига бир неча лизинг компаниялари мавжуд. Лекин фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги техникаларини лизингга берувчи асосий ташкилот — бу «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниясидир.

Президентимиз ташаббуси билан лизинг мuddати дастлабки даврда етти йил қилиб белгиланган бўлса, 2008 йилга келиб, 10 йилга узайтирилди.

Бундан ташқари, «Ўзбеклизинг интернейшнл АЖ», «Барака лизинг», «Зомин инвест», «Пахта лизинг» ҳамда шу каби бошқа компаниялар ҳам хар хил асбоб-ускуна, техника воситаларини лизингга бераётди.

Гап лизинг компанияларининг фаолияти ҳақида борар экан, фермерларимизнинг нафақат техника воситалари учун, балки ўз хўжаликларига кичик технологиялар келтириш бўйича ҳам лизинг идоралари билан ҳамкорликларини таъкидлаб ўтиш жоиз.

млрд. сўмлик 13 минг 260 та ҳужжат имзоланди. (Бундай кўргазма-савдоларни ўтказиш жорий йилдан қатор вилоятларда ҳам йўлга қўйилди).

Хусусан, 2006 - 2010 йиллар давомида имзоланган лойиҳаларнинг 2000 таси амалга оширилиб, уларга 48 млрд. сўм ва 200 млн. АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфланди.

Ишга туширилган лойиҳаларнинг 75 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларда барпо этилди ва 10 миңдан зиёд иш ўринлари яратилди.

Қишлоқ жойларида агрофирма, кичик ва хусусий корхоналар ташкил этиш орқали янги иш ўринлари яратиш бўйича қўлланма берилди.

Лойиҳани амалга ошириш жараёнида ташкил этилган семинарларда замонавий минитехнологияларга ва ихчам асбоб-ускуналарга асосланган қайта ишлашни ташкил қилишда амалий ёрдам бериш, фермерларни соҳага оид рисола ва тарқатма материаллар билан таъминлаш,



қишлоқ жойларида агрофирма, кичик ва хусусий корхоналар ташкил этиш орқали янги иш ўринлари яратиш бўйича қўлланма берилди.

— Фермерлик ҳаракатининг истисколи ҳақида нима дейсиз? Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дastури тўғрисида»ги фармони, шунингдек, 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ишларни юксалтириш-

да дастуруламал бўлаётди. Жумладан, бозор нархлари конъюнктураси талабларидан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш тадбирларини жорий этиш, агротехник жараёнларни рационалзациялаш ҳисобига маҳсулот таннархини арзонлаштириш, мавсум давомида маҳсулот етиштирувчилардан шартнома асосида сифатли маҳсулотларни қабул қилиш, уларни тозалаш, сархиллаш, қолиплаш ва ўз мuddатига экспортга жўнатиш каби ишларни юқори савияда ташкиллаштириш, ўйлашмиқки, фермерлик ҳаракатининг истисколли йўналишини таъминлайди.

— Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмасининг фаолияти ҳақида тўхталсангиз...

— Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 апрелдаги қарорига мувофиқ Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси шаклланган эди. 2005 йилда эса навбатдан ташқари конференция ўтказилиб, Фермер хўжаликлари уюшмаси нодавлат нотижорат ташкилот сифатида қайта ташкил этилди.


Айни чоғда фермер хўжаликлари ва уюшманинг бошқа аъзолари ҳақ-ҳуқуқи ҳамда манфаатини ҳимоя қилиш йўлида қатъий саъй-ҳаракат кўрсатилаётди. Мисол учун, ёрдам сўраб қилинган мурожаатларга қўра, хўжалик судларига 588 та даъво ариза киритилиб, шунинг 211 таси ижобий ҳал этилди ва фермер хўжаликлари фойдасига 783 млн. сўм миқдорига маблағ ундирилди.

Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида 4864 та фермер хўжалигига 568,2 млн. сўмлик консалтинг, 784 та хўжаликка 47 млн сўмлик юридик, 4874 фермер хўжалигига 73,1 млн. сўмлик брокерлик хизматлари кўрсатилди.

Юртбошимиз 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзuida маърузасида ҳам фуқаролик жамиятлари институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтди.

«Ishonch» мухбири Шарофат НОРҚУЛОВА сўхбатлади.

Ўзбекистон халқ шоири ЖУМАНИЁЗ ЖАББОРОВ



Ўзбек адабиёти ва санъати оғир худодликка учради. Атоқли адиб, Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов 2010 йил 13 декабр куни 80 ёшида вафот этди.

Ж.Жабборов 1930 йили Қашқадарё вилоятининг Косон туманида туғилди. 1952 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)ни тамомлади.

Меҳнат фаолиятини 1953 йили «Шарқ юлдузи» журналида бўлим мудири сифатида бошлади. Кейинчалик «Гулхан» журнали бош муҳаррири, «Ўзбекистон овози» газетасининг бош муҳаррири ўринбосари, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти директори каби масъул вазифаларда ишлаб, матбуот ва адабиётимиз ривожига салмоқли хисса қўшди.

Устоз шоир ўзининг 60 йиллик серқирра ижодий фаолияти давомида «Ватанимни қўлайман», «Баҳор нафаси», «Мақсад йўлида», «Тоғлар садоси», «Она ер қўшиғи», «Субҳидам хаёллари», «Эътиқод» каби шеърый китоблари, долзарб мавзулардаги драматик асарлари, жаҳон мумтоз адабиётининг энг сара намуналарини қилган бадиий таржималари билан адабиётимизда муносиб ўрин эгаллади.

Ж.Жабборов тажрибали адиб, жонқуяр ташкилотчи сифатида жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, халқимиз ўртасида миллий ғоямиз тамойилларини кенг тарғиб этиш, ёшларни она юртга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда жонбозлик кўрсатди.

Жуманиёз Жабборовнинг ўзбек адабиётини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби» ва «Ўзбекистон халқ шоири» фахрий унвонлари, шунингдек, бир қатор орден ва медаллар билан мукофотланган.

Атоқли шоир, меҳрибон устоз, қамтарин ва самимий инсон Жуманиёз Жабборовнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУХАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, А.АРИПОВ, Х.СУЛТОНОВ, А.ОРИПОВ, Б.АЛИМОВ, Ё.АХМЕДОВ

Солиқ ва молия

Хизмат кўрсатиш кенгаймоқда

Бугунги кунда аҳолига хизмат кўрсатиш, айниқса, унинг замонавий, илгор турлари — телекоммуникация хизматлари, уяли телефон алоқаси, молия-банк хизматлари ва сугурта, сайёҳлик ва бошқа хизматлар жадал суръатда ривожланмоқда.

Ушбу қарор ҳамда Президентимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги қарори билан тасдиқланган «Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш дастури» асосида жорий йил охиригача бўлган даврда имтиёзли кредитлар ажратилиши белгиланган.

Шунингдек, қишлоқ жойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан алоқа ва ахборотлаштириш тизимининг телекоммуникация соҳасида фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар учун олинadиган давлат божлари ҳажми қисқартирилди.

2007-2010 йилларда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун ажратилаётган имтиёзли кредитларнинг ҳажмини меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси ва «Микрокредитбанк» маблағлари ҳисобидан амалга оширилиб келинмоқда.

Суннатулла НАЗАРОВ, Юнусобод тумани Давлат солиқ хизмати бўлим инспектори

Банклар

Иқтисодий таянчи

«Микрокредитбанк»нинг Сирдарё вилоят филиалида ҳам бунга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

субъектларига эса 4862,5 млн. микромолиявий хизматлар кўрсатилди.

Солиқлар мамлакат ҳазинасини тўлдириш, халқимиз фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган муҳим манба.

Дарсликлар чоп этилган

Дарҳақиқат, солиқ саводхонлигини ошириш кунимизнинг долзарб вазифаларидан саналади.

Мазкур йўналишда ташкил этилаётган республика кўрик-танловлари ҳам саводхонликни оширишга хизмат қилаётди.

Комил САИДОВ, Солиқ Академияси талабаси

Ёнғин хавфсизлиги

Қўшнингиз ҳам зарар кўриши мумкин

Анъанага кўра, мамлакатимизда навбатдаги ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда.

Кўшнингизнинг охирида ёнғинлар бирмунча кўпайганлиги ҳушёрликни оширишни таъқоз этмоқда.

Ўт тилсиз — ёв. Унинг олдини олишимиз учун эҳтиёткорликни оширишимиз, ёнғин хавфсизлиги тартиб-қоидаларига қатъий риоя этишимиз зарур.

Давлат БАЙТУРГАНОВ, Мирзо Улугбек тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори

Ҳуқуқий маслаҳатхона

Иш стажим камаядимми?

Бўстонлик тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасининг Чорбоғ филиали шифокори Т.Тиялов тахририятимизга қуйидаги савол билан мурожаат қилган эди:

Ушбу мактубда кўтарилган масала юзасидан Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгашидан қуйидаги жавоб илова қилинган хат олди:

«Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли «Тиббиёт ходимлари меҳнати ҳақ тўлашнинг тақомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Тиббиёт ва фармацевтика

ходимлари меҳнати ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низомнинг 3-илловаси 3-бандида Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг мутахассислиги бўйича узлуксиз иш стажини ҳисоблаб чиқариш Тартиби келтирилган. Унга асосан ходимнинг меҳнат дафтарчаси мутахассислик бўйича иш стажини аниқлаш учун ҳужжат ҳисобланади.



Икром ХАСАНОВ фотолархиваси

Спортнинг оммавийлигини ошириш, ишчи ва педагог-ҳодимлар ҳамда ёшларни спортга кенгроқ жалб этиш касба уюшма ташкилотларининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ширинимиз: «Муҳими ютуқ эмас, мусобақада қатнашиш».

Касба уюшма спорти

лар факултети спорт мажмуасида финал бахслари ташкиллаштирилди. Мусобақаларнинг стритбол, волейбол, шахмат, шашка турлари бўйича таълим ва фан ҳодимлари касба уюшмаси вилоят кенгаши жамоаси голибликни қўлга киритган бўлса, давлат муассасала-

Муҳими – мусобақада қатнашиш

Бирлашма ташаббуси билан бу йил ҳам «Саломатлик, соғломлаштириш, мазмунли ҳордиқ чқариш» шiori остида спартакиада ташкил этилди. Феврал ойида вилоятимиздаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларда спартакиаданинг биринчи, март ойида иккинчи, июнда эса учинчи босқичи бўлиб ўтди.



Конституция байрами арафасида Андижон Давлат университети хорижий тил-

ри ва жамоат хизмати ҳодимлари касба уюшмаси вилоят вакиллиги жамоаси стол тенниси, енгил атлетика турлари бўйича устун келдилар. Умумжамоа ҳисобида эса таълим ва фан ҳодимлари касба уюшмаси вилоят кенгаши жамоаси биринчи, давлат муассасалари ва жамоат хизмати ҳодимлари касба уюшмаси вилоят вакиллиги иккинчи, маданият ҳодимлари касба уюшма вилоят вакиллиги жамоаси учинчи ўринга сазовор бўлди.

Қодиржон РИЗАЕВ, Андижон вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

Кончилар беллашуви

Баркамол авлод йили муносабати билан Навоий кон-металлургия комбинатида комбинатлараро спартакиада бўлиб ўтди. Унда «Южанин» (Навоий шаҳар ишлаб чиқариш майдони) жамоаси спортнинг 7 тури бўйича голибликни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Марказий кон бошқармасининг «Прогресс» жамоасига насиб этган бўлса, нурободлик ёшлар учинчи ўринни банд этишди. Улар шашка, стол тенниси, мини футбол ва аёллар ўртасида ўтказилган волейбол мусобақаларида яхши натижа кўрсатишди. Жанубий кон бошқармасига қарашли қарнаблик ёш мини футболчилар иккинчи ўрин соҳибига айланшди. Голиблар эсдалик совғалари билан мукофотланишди.



Исроил РАҲМАТОВ, НКМК касба уюшма кўмитаси раиси



Чироқчи туманининг «Хумо» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги эски клуб биносини Абдурашид полвон Мирзаев обод ва гавжум масканга айлантирганлиги ҳақида эшитганимиз-у, лекин бобонинг залига бормаганимиз. Яқинда Андижон шаҳрида кураш бўйича мамлакат биринчилиги ўтиб, унда Абдурашид Мирзаев шогирдларидан Гўзал Раҳмонова 52 кг. вазн тоифасида голиб, Фиёс Аҳмедов эса 60 кг. вазнлилар ўртасида совриндор бўлганини эшитиб, полвон бобонинг машғулот залидан мақола тайёрлашни дилимга тугдим.

Юз ёшда ҳам курашмоқчи у...

Залга кирарканман, 5-7 ёшлардаги ўғил-қизлар жуфт-жуфт бўлиб машқ бажараётганининг гувоҳи бўлдим. Адашиб, болалар боғчасига кириб қолдимми, деган ўй хаёлимдан ўтди. Тўғри, жажжи болаларнинг ҳаракати у қадар шиддатли эмас. Йиқитганда гиламлар ларзага келмасда, полвончаларнинг ҳаракати кишида умид уйғотди...

Салом бериб, ичкари кирдим. Полвон бобо болаларга кўрсатма бердида, олдимга келди. Яшил яктаги чайир гавдасига ярашиб турибди.

Шогирдларимнинг ёшига қараб, гуруҳларга бўлганман, — деди хайлимдан ўтган гапни сезгандек. — Ахир, 14-15 ёшли полвонга берган сабоғим ётти-саккиз ёшли бўлажак курашчига оғирлик қилади-да. Булар энг ёши кичик гуруҳим. Ҳар бир гуруҳга алоҳида дарс ўтаман. Ҳафтада яшанбадан ташқари ҳар кун машғулот. Шогирдларим зўриқиб ёки машқдан безиб қолмаслиги учун хилма-хилликка эътибор қаратаман. Кўп йиллар жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлганим, курашларда ортирилган узоқ йиллик тажриба машғулотларни тўғри ташкил этишга ёрдам берапти...

Полвон бобо гапираяпти-ю, менинг ҳайратим ошиб борарди. Мусобақаларда полвон бобо шогирдларининг рақибларидан устун келганига кўп гувоҳ бўлганман. Лекин галабалар ортида машаққатли машқлар ётганини тасаввур этмаганим. Абдурашид полвоннинг ҳам бошқалар каби ҳафтада икки марта, икки соатдан тўрт соат машғулот ўтказди, дея уйлаганим ҳам рост.

1960-1970 йилларда 62 кг. вазн тоифасида етти марта республика чемпиони бўлдим, — дейди полвон бобо. — У пайлар миллий курашимиз Ўзбекистондан четга чиқолмас, республиканинг ўзида ҳам эътибор ҳаминқадар эди. Истиклол миллий гуруҳимизни, қадриятларимизни қайтариб берди. Миллий кураш ҳам қайта тугилди.

2001 йилда Шаҳрисабзда очилган республика кураш марказининг Чироқчи туман филиалига мураббийликка таклиф қилишди. Олдинга кўнмадим. Кейин билганимда кучим бор экан, уйда ўтириб нима қиламан, деган қарорга келдим. Барибир курашсиз туролмасам. Шу-шу невараларимга ота-боболаримизнинг удумини ўргатиб келяпман. Ниятим битта —

курашимизнинг Олимпия ўйинлари таркибига кирганини кўриш.

Ҳеч кимга сир эмас, кураш бўйича Европагача, Австралиядан Америка қитъасигача ёйилди. Жаҳон ва қитъа чемпионатлари, йирик-йирик халқаро турнирлар ўтпти.

Абдурашид Мирзаев томонидан ёзилган кўйидаги мисралар жаҳон бўйлаб ёйилаётган курашимизга берилган мухтасар таърифи:

«Кураш деган бир калом, Беш халқани боғлайди. Эгнида эрк, яшил тўн, Олимп сари чорлайди!»

Қахрамонимиз касба уюшмаларининг «Пахтакор» спорт жамаиётида ҳам ишлаб, аҳоли ўртасида эскирган омалаштиришга, турли мусобақалар ўтказишга бош-қош бўлган фидойилардан. «Кураш ёш танламайди. Кун билақда, Ватан меҳри юракда», деган ҳаётий хулосалари унга ҳаммиша қанот бағишлайди.

Полвон энди фахрийлар ўртасидаги мусобақаларда жавлон урмоқда. Дастлаб, Ўзбекистон, сунгра жаҳон чемпиони бўлди. 2004 йилда Турсунзода шаҳрида самбо бўйича голиб чиққан бўлса, 2005 ва 2007 йилларда Термиздаги кураш бахсларида ўз вазнида дунё фахрийлари аро тенгсиз бўлди. 2008 йилда Жанубий Кореяда, 2009 йил Францияда Бутунжаҳон халқларининг миллий спорт ўйинлари бўйича ўтган XV ва XVI фестивалларида ўзбек кураши усулларини дунёга кўз-кўз этди.

Етмишдан ортиқ давлат вакиллари ичида олача тўн, белқарс ва олақалпоқ кийиб, ўзбек кураши усуллари намойиш этар эканмиш, томошабинларнинг олқишини кўриб, миллатимиз шарафланаётганидан қалбимизда гурур туйдиқ, — дея сафар таассуротларини хикоя қилар экан Корея ва Францияда олинган суратларни кўрсатиб. — Етмишда Европанинг ривожланган давлатларидан бўлган Франция ёки Осиеда ўз ўрнига эга Кореяга боришим тушимга ҳам кирмаганим. Бу истиклолнинг шарофати. Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда кураш бўйича халқаро турнир ўтказилиб, унда Президент соврини эълон қилинганда қулоқларимга ишонмаган-

ман, кўзларимдан ёш чиққанди. Юртбошимиз миллий курашимизни дунёда тан олдириб, миллат шавкати юксакларга кўтариб турган пайтда биз каби фахрий полвонлар чойнонага безак бўлсак, ярашмайди-да...

Рост, собиқ Иттифоқ даврида ҳам кураш бўйича кўплаб мусобақаларда қатнашиб, кўпинча фахрий ёрлик, бир марта «будилник» билан тақдирланганман. Бир жуфт калиш ёки иккита нон учун кураш тушган вақтларимиз ҳам бўлган. Не бахтким, бугун кечаги орзулар ижобат топиб турибди. Камдан-кам халқларга насиб этадиган толе бизга қулиб боқмоқда!

Чироқчи туманининг «Хумо» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида эскирган, қаровсиз клуб бор эди. Мутасаддиларнинг кўмаги билан мазкур бино 2002 йилда бизнинг «Абдурашид полвон Мирзаев» кураш клубига берилди. Уни ҳашар йўли билан таъмирлади. Эндиликда тамоман янгича кийфа касб этган, озода ва саришта маскан эртадан кечгача ўғил-қизлар билан гавжум. Аста-секин ижобий натижалар ҳам бўй кўрсатиб қолди. Клуб аъзоси Билолжон Аҳмедов Англияда ўтган халқаро турнирда, Санжар Рўзиқулов Россиянинг Твер шаҳрида ташкил этилган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида бронза медалига эришди. Жорий йилда Инобат Бўронова, Зулайхо Эшназарова, Ҳилола Қаюмова, Гўзал Раҳмонова, Гули Холбоева, Санжар Жовлиев, Илёс Аҳмедов, Даврон Шарипов, Мухриддин Курбонов каби ёшлар республика турнирида шохсупадан ўрин олишди. Кураш кун сайин ривожланаётир. Шу боис, мусобақаларда рақобат кучли. Ҳар йили клуб очик биринчилигини ўтказамиз. Республиканинг турли бурчақларидан жамоалар келишади. Бу ҳам ёшлар қизиқишининг ошишига ҳисса қўшапти.

— Мусобақаларда қатнашиш, йўл ҳаракатлари учун маблағ керак. Бу муаммони қандай бартараф этяписиз? — Бирон турнирга шогирдларимни олиб бориш учун аввал ички мусобақа ўтказиб, саралаймиз. Энг яхши тайёргарликка эга ёшларни республика бахсларига олиб бораган. Фидойи ота-оналар қўллаб-қувватлаб ту-

ришибди. Бу борада бизга қўлдан келганча ёрдам бераётган ташкилотлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Чироқчи туман «Ермулқадастр» хизмати раҳбарияти ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келмоқда. Шогирдларимнинг Олимпия захиралари коллежлари, спорт ҳамда кураш мактаблари, курашга ихтисослашган мактаб-интернатлар тарбияланувчилари билан тенгма-тенг курашаётгани, ҳатто улардан устун келганини кўрсам, гурурга тўламан.

Бобонинг шогирдлари орасидан нафақат чемпионлар, балки собит фикрли, Ватанга садоқатли фарзандлар вояга етаётгани, айниқса, катта ютуқ. Гўё устоздаги курашга, Ватанга бўлган чексиз муҳаббат шогирдларни ҳар қандай бебошлиқдан қайтариб тургандек. Оддийгина қишлоқ болалари орасида иқтидорлилари кўп. Бобонинг иқтидор эгаларини озгина бўлса-да, рағбатлантириш учун «Абдурашид полвон бобо стипендияси»ни таъсис этгани ҳам ўзига хос тантилиқ. Абдурашид бобо кўйидаги ўғитларни такрорлашдан чарчамайди:

— Эй эгнига кураш яктагини кийган ўғилларим, набираларим. Полвонлик ҳам Тангрининг инояти билан сизга тақдим этилганини ва юртнинг орига қалқон, кўксига шараф бўлишингизни унутманг!

Сиз буюк Темуру ва Алпомишлар авлоди эканлигингизни ёдингиздан чиқарманг!

Мустақиллик нима берди, деганларга қанот берди, деб жавоб беринг... Дарҳақиқат, у етмишга кирса-да, ёшларга хос шижоати билан истиклолнинг юксак парвоз учун қудратли қанот эканини барчага исботлади. Мураббийлик, мусобақалар, кўргазмалар чиқишлардан ташқари, ижодга ҳам вақт топади. «Курашнинг қайта тугилиши», «Нортожи полвон», «Қадр» каби китобларини спорт ишқибозлари ҳуққига ҳавола этди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Билиб кўйган яхши

Фуқаролар томонидан ўз хонадонларида от, қўй, чўча, товуқ ва бошқа ҳайвонларни боқишлари борасида, айниқса, шаҳар ҳудудларида, қўшнилари орасида норозилик ва эътирозлар билдирилган ҳолатлар учраб турибди.

Давлат санитария назорати хизматининг амалдаги 0246-08 Санитария қоида ва меъёрларига қўра, аҳоли томонидан мол боқишда яшаш жойи биносидан мол сақланадиган жойгача бўлган масофа мол сонига қараб (5 бов ва ундан кўп) 20 метрдан 150 метргача бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, мазкур масалада ветеринария хизмати мутахассислари томонидан тегишли хулосалар берилиши мумкин.

Шунингдек, шаҳар ҳудуди маҳаллаларида фуқаролар томонидан даромад манбаи сифатида доимий ва кўп миқдорда ҳайвон боқишлиши соҳибадорларнинг қўшнилари билан ишончсизликни инobatга олиб, солиқ хизмати мутахассисларининг фикрларини билиши, бу муаммони маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ҳал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Н.АТАБАЕВ, Республика Давлат санитария эпидемиология назорат марказининг Бош врач ўринбосари

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон таълим ва фан ҳодимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши, Фанлар академияси маъмурияти, бирлашган касба уюшмаси кўмитаси ва бошланғич ташкилотлар жамоалари Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касба уюшмаси кўмитаси ташкилий ишлар бўлими мудири, раис ўринбосари Сидда Салимовага падари бузруқвори

ГҲЛОМ отанинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изхор этади.

Агросаноат мажмуи ҳодимлари касба уюшмасининг Тошкент вилояти кенгаши жамоаси тармоқ касба уюшмаси Қибрай тумани кенгаши бош ҳисобчиси Сабоҳат Ҳожиёвага волидаи муҳтарамаси

ХҲРИ аянинг вафот этганлиги муносабати билан ҳуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани кадастр бўлими томонидан «Алимирза» хусусий корхонасига тегишли 2010 йил 28 октябрда берилган ТА 1012067 сонли бино гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Advertisement for 'Ishonch' newspaper, including contact information, subscription rates, and office details.